

Ҳожа Муҳаммад эшон Намангоний ким бўлган? (иккинчи мақола)



17:00 / 17.11.2021 2147

Ўша пайтларда Учқўрғонда 13 та гузар, 13 та масжид, 2 та мадраса ва 1 та аёллар мадрасаси ҳамда 1 та хонақоҳ фаолият кўрсатган экан.

Маълумотларга кўра, Ҳожимат эшоннинг ўзи иршод ижоза берган 464 нафар халифаси бўлган. Халифалари асосан Арабистон яримороли, Яман, Ҳиндистон, Кавказ ўлкаси, Туркия, Қашқар ва Ўрта Осиё давлатларидан бўлган. Қўшни Қозоғистоннинг Чимкент вилоятида ва Қирғизистоннинг эса Аҳси ва Тахтаовул туманларида у кишининг мурид ва мухлислари томонидан Ҳожимат эшонга атаб масжид ва мадрасалар бунёд этилган .

Халифалари

Алоуддин махзум, Карим шох халифа, Собитхон тўра, Мулла Ортиқ халифа, Мулла Исмоил, Ийсо Муҳиддин эшон, Мулла Усмон халифа, Тўра келди халифа, Мулла Умар охунд, Иброҳим халифа, Мулла Темир халифа, Исомиддин халифа, Мулла Нурали халифа, Нуриддин халифа, Мулла Қобил қози, Мулла Қўшоқ халифа, Сулаймон охунд, Усмон Ҳожа эшон халифа, Мулла Толиб халифа, Муҳаммад Росулхон эшон, Хуки халифа, Абдулҳақ эшон, Абдулла эшон, Йўлбарс қози, Абдурахмон эшон, Юнус али қози, Мулла Маъдали охунд, Худайкул сўфи, Ҳасанхон қози калон, Абдулҳақ махсум ибн Ражаббой Андижоний, Ўш ва Жалолобод қозилари, Қўқон ва Марғилонлик таниқли уламолар ва бошқалар.

Ўша даврдаги тариқат пешволарининг кўпчилиги қатағон қурбони бўлган, ўзга юртларга сургун ва қулоқ қилинган. Маълум қисми эса 1945-1946 йиллари, урушдан кейин вафот этишган.

Муҳсин таҳаллуси билан ижод қилган Мулла Қўшоқ (1880-1937) устози ва пири Ҳожимат эшоннинг вафотига атаб марсия битган. Қуйида мазкур марсиянинг энг муҳим жиҳатини келтириб ўтамиз:

Фарғонадан чиқдилар, бир ажойиб мардона,

Муҳаббатнинг ўтиға юрак бағри бир ёна.

Ҳожа Муҳаммад отлари, Намангоний зотлари,

Лақаблари сардори, авлиёи замона.

Мажзубийдир ўзлари, шариатдир сўзлари,

Муҳаббатли толибға, сўзларидир дурдона.

Нафсига бериб озор, пайравона йўл кезар,

Бузиқни қайта тузар, қайда кўрса вайрона.

Илми қолу, илми ҳол ҳамма илмдан хабардор,

Ул шайхул валийюттарош, ул комили мукаммал.

Ҳам орифи гулхона, ҳаммоли дин деюрлар,

Халқ ичра машҳурлар, ҳам кимё назардур.

Ушбу байтлари орқали Ҳожимат эшоннинг насл-насаби, илму салоҳияти, сахийлиги, кашфу каромати ва муршидлик мақомларини эҳтирос билан баён этган.

Шайх Ҳожимат эшон илмий-адабий мерос қилиб «Рисолаи шариф» номли асар қолдирган. Ушбу асар диний-тасаввуфий руҳда битилган бўлиб, ўз даврида ва кейинчалик ҳам кўплаб қўлёзма манбалардан ўрин олган. «Рисолаи шариф»да Ҳожа Муҳаммад эшоннинг тебратган сулуки яъни, нақшбандия-мажзубия тариқати ҳамда ундаги солиқ ва ҳар бир инсон билиши ва бажариши лозим бўлган амаллар баён этилган. Шунингдек, асарда Аллоҳнинг субутий ва зотий сифатлари, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг 13 та суннати муаккадалари, пири-муршид Ғавсул

Аъзам ва Баҳоуддин нақшбанд ҳазратлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари, ҳар-бир инсоннинг билиши ва бажариши лозим бўлган амаллар, одоб-ахлоқ ва ҳурмат-иззатга доир оят ва ҳадислар ҳамда дин, шариат, ҳамда мазҳаб, амаллар хусусида қимматли маълумотлар келтирилган.

Ҳожимат эшон келажак авлод учун нафақат маънавий мерос, балки умумхалқ фойдаланиши учун ҳам кўплаб манфаатли ишлар қилди. Учқўрғон ва Норин туманлари аҳолиси зироатчилик қилиши учун Норин дарёсидан каналлар ва ариқлар қазитди. Қўрбоши Омон полвонни эса мазкур каналлар ва ариқларни назорат қилувчи мироббоши қилиб тайинлади.

Норин дарёси устига эса биринчи ёғоч кўприкни ётқизди. Ҳожимат эшон улкан қурилишлар ва тарихий обидаларни қайта таъмирлатишга киришди. Бобоси Ҳожа Дониёл истиқомат қилиб турган Балиққўлда 1880-1885 йилларда масжид ва мақбара қурдиради. 1908-1910 йилларга келиб, аждодларининг муқаддас қадамжоси Шайх Ҳованди Тоҳур ва Қалдирғочбий зиёратгоҳларини таъмирлатиб, ўша ерга Оврот номли масжид бунёд этди. Бироқ, 1966 йилдаги Тошкент zilzilаси туфайли масжид вайрона бўлгач, масжид бузиб ташланди. Худди шунингдек Чуст музофотидаги улкан минора ва Наманган шаҳаридаги «Гумбаз» масжиди номи билан танилган масжид ҳам унинг саъй-ҳаракатлари орқали қад кўтарди.

(Давоми бор)

Акрам Шарипов, мустақил тадқиқотчи,

Чиноз тумани Олмазор қўрғони.